# Ғариб киши келиб, дини ҳақида сўрамоқда

09:26 / 19.11.2018    1641

?????? ????? ????????? ??????? ???? ???????
?????? ????? ?????? ?????: ??????????? ?????
??????? ????? ?????? ????? ??????? ?????????
?????? ????????? ????????: ??? ??????? ??????
?????? ??????? ????? ???????? ???? ???????? ???
??????? ??? ???????? ?????????? ??????? ???????
????? ?????? ????? ??????? ????????? ???????
?????????? ?????? ??????? ???????? ????????
???????????? ???????? ???????? ????????
???????????? ?????? ????????? ?????? ????? ?????
??????????? ???????? ????????. ??????? ????????.

607/6. Абу Рифоъа Тамим ибн Усайд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига борсам, хутба айтаётган эканлар. Шунда мен: «Ғариб киши келиб, дини ҳақида сўрамоқда, чунки динидаги нарсаларни билмайди», десам, у зот менга

юзланиб, хутбаларини тўхтатиб, мен томонга юриб келдилар. Кейин курси келтирилди. Унга ўтириб, Аллоҳ ўргатган нарсаларни менга ўргатдилар. Сўнгра яна хутбаларини давом эттириб, унга якун ясадилар.

Имом Муслим ривоятлари.

**Фойда**: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўта камтарликлари ва кишиларга дин ишларини таълим беришга ҳарисликлари.